

АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНРААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

(Давоми..)

Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, вилоят ҳокимининг яқинлари И. Кодиров вилоят Марказий банки бошқарувчиси, Х. Бобомуродов эса Самарқанд шаҳар Темирийул тумани ҳокими лавозимига тайинланган. Бунга ўхшаган яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Бу вилоятда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик иллати чуқур илдири отганини кўрсатиб турибди.

Биз бу муаммонинг нақадар мураккаб ва хавфли эканини тушунишимиз, дарҳол унинг олдини олишимиз зарур, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Чунки бу йўлга кирган раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи ердан узилади. Энг ёмони, раҳбарларга нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишончи йўқолади. Бундай жамиятдан барака кетади, иш урушмайди, аҳоли ўрта-сида турли тортишувлар ва норозиликлар пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, бундай муҳитда раҳбарга яқин бўлган, ишонган, сўянган кадрлари бир-бирларини қўллаб-қувватлайди, содир бўлган қонунбузарлик ва жиноятларни яширади. Жамиятда адолат йўқолади. Бундай ҳолда халқ арз-додини, фарёдини кимга айтиши керак?

Вилоят давлат аппаратынинг ўзатгани лаёқатсиз, сиёсий савияси паст, ахлоқий жиҳатдан нопок, аммо, раҳбарнинг ишонган оғайнилари, эски кадрларни, бир ҳовуч лагандардор кимсалар ташкил этса, одамлар эътирозини кимга айтиши мумкин?

Бундай ҳол хизмат вази-фасини суиистеъмол қилиш, давлат ва жамоат мулкни талон-тарож этиш учун қулай шароит яратди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг узоқ йиллик оғайиниси — вилоят давлат божхона бошқармасининг собиқ бошлиғи А.Примов лагандардорлик ва тилеғламалик билан Алишер Мардиевнинг пинжиги кириб, хизмат фаолияти даврида сурункали равишда қонунбузарликларга йўл қўйиб келган.

Ахвол шу даражага бориб етганики, А.Примов Мардиев учун унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бўлган мулоқотларида воситачи ролини ўйнай бошлаган. Ҳозир у хизмат фаолиятидаги жиддий нуқсонлари учун лавозимидан озод қилинган ва унинг ҳаракатлари тегишли идоралар томонидан текширишдан ўтказилмоқда ва натижаларга кўра ҳуқуқий баҳо берилди.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи Т.Муродхўжаев ҳам А.Мардиевга яхши кўриниш мақсадида унинг яқин қариндошлари ва ошна-оғайниларининг қонунсиз хатти-ҳаракатлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида ўзига хос қалқон вази-фасини ўтаб келган.

Асосий вазифаси вилоятда қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлашдан иборат бўлган Т.Муродхўжаевга, уни қўлга олиш мақсадида, қорун-қиллашган кимсалар давлатга қарашли болалар божхонаси бериб қўйилган ва унинг ўрнида дағиллама шахсий уй-ҳой куриб берганлар. Оғзи мойиланган «хуқуқ посбони» эса уларнинг давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилишлари билан боғлиқ найрангларига панжа орасидан қараб келган.

Айни пайтда Т.Муродхўжаев ҳам лавозимидан озод этилиб, жи-ноий жавобгарликка тортилмоқда.

Вилоят ҳокимининг энг тор даврасига собиқ раҳбар Раим Насимов ҳам қиради. У давлат маблағлари эвазига

нафақат ўзи учун, балки вилоятдаги қатор-қатор раҳбар ходимлар учун ҳам қонунсиз равишда уй-ҳойлар, шахсий-маиший иморатлар куриб берган.

Амир Темур майдонини ободонлаштириш ишларидан фойдаланиб, уларнинг ҳисобидан вилоят раҳбарларига ҳусусий уйлар куриб берилгани аниқлан-ди. Охириги пайтларда Насимов билан Примовлар А.Мардиевнинг пинжиги ки-риб, оғиз-бурун ўпишиб кўп бемаъни ишларга кўл урган.

Вилоят раҳбарияти билан яқин бўлгандан фойдала-ниб, Насимов ўз ташкилоти номидан катта миқдорда тамаки ва пахта маҳсулотларини Россия Фе-дерациясига олиб чиқиш билан боғлиқ турли найран-глар уюштириб, тушган жуда катта миқдордаги пул ва валюта маблағларини ўзининг яқин одамлари билан биргаликда ўзлаштир-ган.

Бу каби салбий ҳолатлар-ни кескин танқид қилар экан, **охирги вақтда, вилоят миқёсидаги кадрлар сиёсати, йирик иқтисодий-ижтимоий масала-лар давлат идораларида эмас, А.Мардиевнинг иштирокидаги тўй ва базмларда, бошқа норас-мий учрашув-йиғинларда ҳал қилинадиган бўлиб қолган, деди Президент. Таассуфки, кўпгина давлат маблағлари, ҳар хил ўғри-қаллобларнинг жиноий йўл билан топган маблағлари ҳисобига уюштирилган бу з и ё ф а т л а р д а А.Мардиевнинг гунаҳлари-ригана эмас, балки масъул раҳбар ходимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора-ларнинг раҳбарлари ҳам фаол иштирок этишган.**

Албатта, бу ўтиришларда сўз давлат, халқ манфаат-лари, одамлар дарди ва эътирозлари тўғрисида эмас, ўзаро гуруҳлашув, раҳбарлик лавозимларига яна қариндош-уруғлар, ўзларига содиқ одамларни тайинлаш, уларнинг қонун-сиз ҳаракатларини яшириб боришни ташкил этиш, ўзларининг нопок ниятлари-ни амалга оширилиши ҳақида кетган.

Бундай ҳаракатларнинг оқибати нима билан туға-риш, суяк-суягимизга син-гил кетган одат ва асорат-ларда бўлиши керак. Қола-верса, яна бир сабаби — янги қабул қилинаётган қонун ва фармонлар, де-мократия ва адолат та-лабларини менсимасликда, бугунги ҳаётимиздаги ўзга-ришларни ҳис этмасликда, камситишдадир.

Аниқроқ айтсак, бугун бо-шимиздан кечираётган ўттиш даврини эски тузум-нинг носоглом оқибат-таъ-сири ҳамда янги тизим, янги замон талабига жавоб бе-радиган ёш кадрларнинг ҳал қилувчи лавозимларга жуда катта қийинчилик би-лан келишини мураккаб-лаштирмоқда.

Минг афсуски, айрим ҳолатларда раҳбарнинг ва-зи-фаси қанча оширилса, шунча кўп худбинлик каса-лига учрайди, оқуқлиқ гир-добига, таъмағирлик коми-га тушади. Худди дуо кет-гандай. Лавозим, вази-фа ҳақида гап кетганда, катта-ми-кичимики, тасдиқланиш олдида текшириб чиқилади, олдинги фаоли-яти ўрганилади — дупла-ду-руст одам. Соғлом, меҳнатқаш оилада тарбия олган, билими ҳам етарли, ҳаракати ҳам бор. Зими-маса олаётган масъулият ҳақида гапирди, катта-кат-та ваъдалар беради. Унинг гапларини эшитиб, эртага масжидга имомликка тас-вия қилса ҳам бўлади.

Лавозимга ўтиргандан кейин эса кўпи билан бир-икки йил ишлади, сўнг мутлақо ўзгариб кетади. Ўзини афроғиди одамлар-ни ўзгартиришдан бошлай-ди.

Биринчи галда савдо ва хизмат соҳаси ходимлари-

ни ўзгартиради. Мисол учун бозорқомни алмаштиради, эвазига «кўк»идан олади. «Кўк»ини бермаси иш бит-майди.

Биргина Самарқанднинг энг катта «Сиб» бозоридан неча мар-та бозорқом алмашди.

Иккинчи галда маъму-рий органларнинг катта-ки-чик раҳбарлари ўзгартири-лади. Ички ишлар, проку-ратура, адлия, суд, божхо-на, солиқ ва бошқалар. Бун-дай жойларга ўзининг «шо-ввоз»ларини ўтказди. Тег-ишли идораларнинг Тошкентдаги раҳбарлари билан тил бириктиради.

Учинчи навбатда ўзидан олдин ишлаган одамни қоралашга, қилган ишла-рини йўққа чиқаришга, шу-нинг ҳисобидан осон йўл билан обрў топишга ҳара-кат қилади.

Иш бошлаши билан унинг атрофини ошна-оғайнилари, таниш-билиш-лари, қариндош, уруғ-аймоқ вакиллари, қисқа қилиб ай-тганда, ака-укалар, амаки-ваччалар, аммаваччаю хо-лаваччалар ўраб олади. Ўзи отасининг исмида бўлса, укаси бобосини исмида бўлади. Бу майнавозчилик, устамонлик билан одамлар-га ўзларини гўёки бир-би-рига бегона қилиб кўрсатишга ҳаракат қилади-лар.

Маҳаллийчилик шу дара-жага бориб етдики, соғлом фикрловчи одам уларнинг найрангларини олдида оҳиз қолади. Ақл бовар қилмай-диган қилиқларни тезда ан-глолмайди. Раҳбар худди бир нарсадан кеч қолаётгандай ўзининг ҳам, ҳамтовқоларининг ҳам ҳамёнини тўндиришга инти-лади. Бунақа одамларда на инсоф, на ирода ва на имон бор.

Улар ўзларини ҳимоя қилиш учун бошпана изла-шади, Тошкентда ўтирган-ларнинг **пинжиги** қириша-ди. Шунақа пайтда табиий савол туғилади. Унга ишон-ган, тақдирини унга боғлаган одамларнинг орзу-умидлари қаерда қолиб кет-ди? Улар кимга ишонсин, кимга эргашсин?

Ҳаёт фалсафасидан ва тажрибасидан айтиш мум-кинки, ким мўмай даромад, нопок йўл билан бойлик то-пса, у ҳамisha халқ наф-ратига учрайди. Халол меҳнати, пешона тери эва-зига эмас, ўғрилиқ, таъма-ғирлик ва порахўрлик билан топган маблағи ҳеч қачон татимайди. Жамиятга, эл-юртга наф келтирмайди.

Ахир, лавозим кишига қибру ҳаво, бойлик тўплаш ва қайфу сафо учун берил-майди-ку! Аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бу-тун-роҳат фароғатидан ке-чишни, керак бўлиб қолган-да ўзидан кечиниш талаб қилади. Бундай қараш ода-тга айланиши, ҳаётимизга сингиб кетиши керак.

Халқимизда «қилиш-қидирими» деган мақол бор. Яна **«қингир ишининг қийғи қирқ йилдан сўнг ҳам чиқади»** дейишади. Шундай экан, қингир ишни эл-юрт назаридан яшириб бўлмайди. Бундай одам бу-гун бўлмаса, эртага шар-мандай шармисор бўлиб, шунча йил ишлаб, меҳнат қилиб топган обрў-эътибо-рини бир кунда йўқотиб қўйиши мумкин.

Энг оғири — нафақат эл-юрт, балки ўзининг қарин-дошлари, таниш-билишлар-и олдида иснодга қолади. Ўз фарзандлари олдида бо-шини кўтара олмасдан юришдан ортиқроқ азоб-укубат бормикан?

Президент ҳаммани ўйлантирадиган саволларни ўртага қўйди: нима учун мана шундай аччиқ ҳақиқатни баъзан тан ол-маймиз? Ҳаёт тажрибаси-ни тарих мисолида кўра-била туриб шундан қай-тмаймиш. Нафс балоси шунчалик қучлики? **Мен ўйлайманки, ҳар қандай соғлом инсон бу саволни ўзига бериб, ўзи жавоб топиши керак.** Эл-юрт нафратидан, охиратдан кўрқиб, ҳаётда ўзининг ўрнини йўқотмаслик ҳар қандай кишининг бурчи эмасми?!

А.Мардиев ҳақида гап бора экан, дея давом этди Йўлбошимиз, авваламбор,

уни бугунги аччиқ кунга олиб келган сабаблар — иродаси бақувват бўлмагани, нафс, айшу-иш-рат балосидан ҳалос бўлишга кучи етмагани ва энг муҳими — унинг қарин-дош-уруғлари, таниш-оғайниларининг таъсиридан чиқолмаслиги, охи-роқибатда инсофини йўқотгани, деб биламан.

Ҳаёт тажрибаси шуни тасдиқлайдики, раҳбар айшу ишратга берилиб, ўзи-нинг талабчанлик, ташки-лотчилик ва раҳбарлик бур-чини унутиб қўйганида, қонунга риоя қилиш, тар-тиб-интизом масалалари қоллипдан чиқиб кетиши та-бийидир.

Бизнингча, вилоятда жи-ноятчилик, айниқса унинг уюшган, ўта хавфли турла-рига қарши курашнинг аҳоли бугун қўйлаётган талабларга жавоб бермаётганига сабаб ҳам ана шунда.

Биринчи раҳбар тайин-ланган пайтда вилоятда қонун устуворлиги таъмин-ланмишга ҳеч қандай шубҳа йўқ эди. А.Мардиевнинг му-таассислиги — ҳуқуқшунос. Прокуратура, суд, адлия соҳаларида катта лавозим-ларда кўп йил ишлаган. Кўпчилик бу одам маъмурий органларнинг бошини қовуштириб, нуқсонларни бартараф этади, деб ишон-ган эди. Бугун эса, вилоят бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўта оғир жи-ноятлар сони 24,5 фоизга, зўрлаб номусга тегиш жиноятлари 20, фирибгар-лик 75, безорилик 49, босқинчилик жиноятлари эса 52 фоизга ўсганига гувоҳ бўлиб туримиз.

Жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўта оғир жи-ноятларни очиб 23,5 фоизга ка-майган. Шу тоифадаги жи-ноятларнинг 15-20 фоизи фолш этилмай қолаётгани, тақдирини унга боғлаган одамларнинг орзу-умидлари қаерда қолиб кет-ди? Улар кимга ишонсин, кимга эргашсин?

Бевосита ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари томонидан жи-ноят содир этиш ҳам Самарқанд вилоятида од-дий ҳолга айланиб қолган. Ўтган уч йил мобайнида 170 нафардан зиёд ички ишлар идоралари ходими, 3 нафар солиқ, 3 нафар божхона идоралари, бир судья ва бир прокуратура ходими жиноий жавобгар-ликка тортилган. Уларнинг аксарияти мансабини су-и-истеъмол қилиш, фарзгўйлик ва таъмағирлик билан боғлиқ жиноятларга қўл урган.

Шу йилнинг 25 август кунини вилоят ички ишлар бошқармаси жиноятларнинг олдини олиш хизмати хо-димлари — милиция майор-лари Р.Хўжаев ва М.Баҳодировлар ўзаро тил бириктириб, фўқуқор В.Халатовдан товламачи-лик йўли билан пора олаётганлариди қўлга ту-шганлар. Бундай мисоллар-ни кўплаб келтириш мум-кин.

Бу нима деган гап? Ҳуқуқ посбонларининг ўзи жи-ноятчи бўлса, халқ дардини кимга айтсин?!

Ҳақиқатни, адолатни қаердан изласин? **Яқинда тўй-ҳашамлар-ни, оилавий тантаналар-ни, маърака ва маросим-ларни тартибга солиш, уларни ўтказишда йўл қўйлаётган манманлик, шухратпарастлик, эл-юрт ода-тлари ва анъаналари-ни менсимаслик каби иллатнинг олдини олиш мақсадида янги Фармон қабул қилинди. Таассуф-ки, Самарқандда ҳам бундай салбий ҳолатлар кўп. Керак бўлса, ҳар қадамда учрайди. Лекин вилоят, шаҳар, туман раҳбарлари бу борада муро-сазликка йўл қўйиб келаяпти. Ўзи юқори лавозимларда ўтириб, шу камчиликлар-га йўл қўйганлар ҳам кам эмас. Ҳақиқатни гапир-сак, бузғунчилик ўзи кўп-гина шулардан бош-ланади.**

Мазкур Фармон чиққанидан кейин оёғи ер-дан узилган, кибр-хавога берилган айрим кимсалар хушёр тортиши керак, деб ўйлаймиз.

Давлатимиз раҳбари би-ринчи галда мамлакат миқёсидаги, вилоят, шаҳар, туман даражасидаги идора-лар, вазирликлар ва давлат идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини алоҳида оғохлантирди: ба-рака топқурлар, эл-юртдан ажралманглар, уларнинг кўзига-юзига қаранглар, аҳолидан хабардор бўлиб, инсоф, диёнат чегарасидан чиқманглар. Ақ ҳолда оқибати ёмон бўлиши муқаррар!

Шуни ҳам таъкидлаш жо-изки, бундай муҳим ишлар-да жамоатчилик фикрини кўзгатиши, ҳаётимизнинг турли жиҳатларини таҳлил этиши лозим бўлган вилоят оммавий ахборот воситала-ри, афсуски, уларга берил-ган ҳуқуқ ва имкониятлар-дан тўлиқ фойдаланмапти-лар.

Мамлакатимизда ва вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда уни янада чуқурлаш-тириш жараёни, вилоят ҳаётда рўй бераётган иж-тимоий воқеалар тўғрисида теран ахборотлар берилма-япти.

Чоп этилаётган мақола-лар, кўпгина кўрсатув ва эшиттиришлар бадий-иқтисодий жиҳатдан саёз. Одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиладиган, муаммо кўтарадиган танқидий чиқишлар кам. Аксинча, те-левидениеда кўрлаб чет элда ишланган уру-сур, беҳаё видеофильмлар на-моиш этилмоқда.

Самарқанд вилояти аҳолиси ҳар йили ўртача 2,2 фоизга, меҳнат ресурслари эса 3 фоизга ўсиб бора-пти. Бу кўрсаткич Иштихон, Каттақўрғон, Оқдарё туман-ларида 4-5 фоизга етади. Одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун болалар божгаси, мактаблар қуриш, янги ишчи ўринлари очиб, дўконларда етарли мол бўлишига эришиш лозим. Тиббий ёрдам, ичимлик сув ва газ таъминотини ташкил этиш зарур. Бу масалалар-ни ким ўйлайди, ким ҳал қилади?

Уч йил давомида газ таъ-миноти бор-йўғи 8 фоизга, сув таъминоти эса 4 фоиз-га ўсганини инобатга олсак, қабул қилинган дастур ба-жарилишига ким қафолат беради? Шу сўраётда ке-тилса, вилоятнинг газ билан тўлиқ таъминлашга 8 йил, сув билан таъминлашга эса 19 йил керак бўлар экан!

Кейинги уч йилда вилоят-нинг Булунғур, Ургут, Каттақўрғон туманларида юқумли касалликлар билан оғриган беморлар сони кўпайган. Вилоят бўйича ҳам бу касалликлар билан хасталаниш ҳоллари рес-публика кўрсаткичидан уч марта кўпдир. Аксарият соғлиқни сақлаш муассаса-ларининг зарур тиббий жиҳозлар, техника, дори-дармонлар билан таъминла-ниш даражаси талабга жа-воб бермайди.

Мавжуд ўрта мактаблар-нинг 66 фоизи мослашти-рилган, 25 таси эса авария ҳолатидаги биноларда жой-лашган. Бугунги кунда ви-лоятга 107 та, бошқача ай-тганда 32,5 минг ўринли мактаб этишмайди. Мавжуд мактабларнинг асосий қисми бугунги кун талаблар-ига жавоб бермайди.

Бюджет танқислигига қарамадан, солиқ органла-рининг масъулиятсизлиги ва лоқайлиги шу даража-га бориб етганки, **бозор-ларда йиғилаётган патта тўловларидан келадиган 97,5 миллион сўм маблағнинг атиги 2,4 фоизи бюджетга тушган, холос.**

Солиқ тўловлари бўйича қарзлар барча туман ва шаҳарларда қўнайиб, вилоят бўйича 2 миллиард 130 мил-лион сўмдан ортиб кетган.

1 октябрь ҳолатига кўра бюджет муассаса-лари ходимларига 198,2 миллион сўм иш хақи тўланмаган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даври-га нисбатан тахминан 2 мартага ортган.

Бундан ташқари 6 ёшга-ча бўлган болаларга, кам таъминланган оилаларга 132 миллион сўм, 2 ёшгача

болаларга қарагани учун ишламайдиган оналарга 184 миллион сўм нафақа ва моддий ёрдам пули тўланмаган.

Дунёда норасида гўдақлар, етим-есирлар ҳақида хиёнат қилишдан оғир гуноҳ бўлмаса керак. Самарқанд шаҳар Боғишамол тумани «Тўпхона» маҳалла қўмита-си раиси С.Мўминова ва шаҳар халқ банки назорат-чи С.Нажмидинова ҳуж-жатларни сохталаштириш йўли билан кам таъминлан-ган оилаларга берилиши лозим бўлган 660 минг сўм маблағни ўзлаштир-ганлар.

Ҳокимлик, ички ишлар, солиқ, божхона ходимлари қаёққа қарамоқда? Бу жи-ноятлар учун ким жавоб беради?

Самарқанд минг-минг йиллик шонли тарихга эга, бошқо аждодларимизнинг шаън-шавкати билан бу юрт шукҳуи етти иқлимга маъмул ва машхурдир.

Бу кўтулг заминдан та-ралган илм-маърифат зиёси бутун инсоният та-факкурини мунаввар этган, десак муболага бўлмайди. Бунинг тасдиғини кўни кеча бўлиб ўтган Имом ал-Бу-хорийи тантаналарида ҳам кўрдик.

Шуни яна бир бор ўйлаб кўрайлик, деди Исом Ка-римов, бизнинг бугунги қилаётган ишларимиз, фа-олиятимиз юксак мановия-т мезонларига нечоғли мос келади? Давлатчилик, эл-улусни бошқаришда адолат, ватан, халқ манфа-атини ҳар нарсадан устун қўйиш тамойиллари усту-ворми? **Содда қилиб ай-тганда, халқ турли бўғин раҳбарлари ишдан ро-зимми?** Афсуски, шу каби кўплаб саволларга ижобий жавоб бериш қийин. Шун-дай экан, ҳар биримиз фа-олиятимизни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўрайлик; ҳато ва ка-мчиликларимизни аниқлаб, керакли сабоқларни чиқарайлик.

...Ҳаёт ўз йўлида да-вом этаверади. Раҳбарлар келиб кета-ди, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эса қолдиган бирон хайрли иш қилдими? Одамларнинг бошини қовуштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улғувор вази-фаларни бажариш-га сафарбар эта олди-ми? Назаримизда, ҳар бир раҳбар бу ҳақда до-имо ўйлаши, ўзига-ўзи савол бериб кўриши ке-рак.

Халқимизда **«яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ»** деган гап бор. Ким-дан боғ қоляптию, яхши ном, яхши хотира қоляп-ти; кимдан доғ, иснод қоляпти, бунди одамларнинг ўзи ажратиб олади.

Менинг энг катта ишон-чим, дея таъкидлади Пре-зидент, ёш авлоддир. За-монавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, бар-камол ва шижоатли фар-зандларимиздир. **Мен ўзининг тақдирини ҳам, мамлакатимиз ва му-стақиллигимиз тақдирини ҳам ана шу-дай фарзандлари бор-лигидан куч олади, онги-ти и л қ л а ш а д и , рағбатланади, кўкси тоғдай кўтарилди.**

Юқорида тилга олинган камчилик ва нуқсонлардан қўнғил гаш бўлган пай-тларда келгуси авлод, ёшлар, фарзандларимиз ҳақида ўйлайман, деди пи-ровардиде давлатимиз раҳбари. Шунда қўнғил ёруғ бўлади, келажакка ишончим мустаҳкамланади. Биз ўз олдимизга қўйган мурод-мақсадларимизга етиш гарови — мана шу-ларнинг қўлида. Бугунги уч-рашувимизда муҳокама этилган масалалар, қабул қилинаётган қарорларга келсак, барчангиз улардан ҳолисона ҳулоса ва тегиш-ли сабоқ чиқариб оласиз, деб ишонаман.

(Ў.А.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Мак-ро-иктисодиёт ва статистика вазирлиги, Адлия вазир-лиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда 1999 йилнинг 1 майига қадар мазкур бўлимларда олий ма-лакали тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш бўйича аби-туриентларни қабул қилиш қоидалари ва давлат таъ-лим андозалари тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқиб, уларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига амалга оширувчи Республика комиссиясига тақдим этсинлар; 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб тиббиёт олий ўқув юр-тиларидан профессор-ўқитувчилар таркиби ва тала-баларнинг сони 1:6 нисбатида белгилансин.

7. 1998-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат да-стурига амалга оширишга доир асосий чора-тадбир-лар тасдиқлансин.

8. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига амалга оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш Республика комиссияси /бундан буён Респу-блика комиссияси деб юритилади/ тузилсин.

Қўйидагилар Республика комиссиясининг асосий ва-зифалари этиб белгилансин:

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни амалга ошириш билан алоқадор вазирликлар, идоралар, му-ассасаларнинг, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъи назар барча ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат дастури талабларига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимининг амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий асо-сларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларнинг янгилирини ишлаб чиқиш;

халқаро ташкилотлар, хорижий сармоядорлар, жамғармалар ва жамоат ташкилотларининг маблағларини соғлиқни сақлаш тизимига жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

Давлат дастури бажарилишининг мунтазам монито-рингини ташкил этиб, Вазирлар Маҳкамасига йилнинг ҳар чорагида ҳисобот тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимлари ўтказишда шўхратпарастликка йўл қўймаслик, турли исрофгарчиликларнинг олдини олишга қаратилган Фармони шайх-имамлар маҳаллалари оқсоқоллари зиммасига ҳам катта масъулиятлар юклатди. Улар нимадир иборатлиги ҳусусида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Хожиакбар БАХТИЁРОВ билан суҳбатлашдик.

— Мазкур Фармоннинг ўта долзарблик жиҳати шундаки, у бугунги кунда одамларнинг дилида ва тилидаги гаплар бўлди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги пайтларда чўнтаги сал қаппайиб қолган айрим пулдорларнинг тўй ва маъракалари обрў олиш мақсадида дабдаба билан ўтказишни одат тусига кириб бораётган эди. Бу эса оддий одамларнинг из-

майдиди, яъни у бойнинг ҳам, сал мундайроқ яшайдиган кишининг ҳам бошида бор...

— Ҳа, албатта. Нима демокчи бўлганингизни тушундим. Ночорроқ оила тўй ёки маърака ўтказадиган бўлса, албатта

Тўй — яхшилик.

Сурнай наволари, «ё-ё-ё»лар қувнинг тенгқур йигитлари (наварлар) қуршовада кўтаринки бир завқу шавқ билан келинчакликка келиши, келинчакнинг ҳарир, нафис либосларда илк бор саломга чиккани... Санайверсак, никоҳ ва бошқа тўй-тўйчиқларда чиройли удумлар кўп.

Аммо кейинги пайтларда «урф-одатимиз» деган нарсаси шу қадар ранг-баранглашиб, кўпайиб кетдики, булар гўзалликларга соя сола бошлади. Гўзалликларни кўрсатмай қўя бошлади. Шунинг учун Президентимиз тўй ва турли маросимларни тартибга солиш ҳақида

риш керакдир, аммо сумақдан эгаргача онага мажбурият қилиб қўйиш инсофдан бўлмас керак. Бешик болага етти-саккиз ёшгача кийса бўладиган қатор-қатор кийимлар қилинади, аммо лоақал орасида номига битта китобча, битта шахматми, шашками ё теннис коптоғи бўлмайди.

Яқин-яқингача бешик тўйига фақат

Муносабат

ТЎЙ МАЖБУРИЯТГА АЙЛАНМАСИН

карнай-сурнай келиб, бешик борган пайтдагина озгина ўйин-кулги бўларди, амма-холасини ўртага чақириш, «кис-тир-қистир» ҳам шунинг ичида эди. Энди бешикболанинг адаси алоҳида созандалар тақлиф қиладиган бўлибди. Карнай-сурнай кетгач, улар бошқатдан, янгидан амма, холаларни ўртага чақиришни бошлайдилар. Бешик тўйи ва бошқа маросимлардаги санъаткорларнинг аксариятининг чиқишлари, гапир-раётган гапларини кўриб: «Булларда шу жойга келганларга хизмат қилмай, мазза қилиб ашула эшитишсин» деган фикр йўқ, ниятлари фақат пул йиғиш деб ўйлаб қоласан.

Одам, ҳар қандай одамнинг қорни битта (борингки, тўй ҳурмати яна битта қўшилсин) овқат билан қаноат топади. Аммо тўйларда, шу жумладан, бешик тўйида ҳам хотинлар олдиндан беш-олти хил таом ўтади. «Ҳа, энди қариндош-уруғ об келган-да» дейишади. У-бу десангиз. Лекин шу зарурат эмас-ку? Умуман, бешик тўйини шу хилда ўтказиш менга мутлақо маъқул кўринмайди. Она ўз қинларни билан толганини олиб келиб, чақалоқни қариндош-уруғлар даврасида ихчам-давранда бешикка белаб кетса яхши эмасми?

Бир автобус аёл, уйга жой қил, ҳовлига жой қил, яна бир машинада чақалоқ сарполари, бир ҳафта. Икки тараф овера...

Ахир, инсон умри, имкониятлари чегараланган бўлади. Шулар ичида ўтаётган умримиз, кетаётган кучимизни ўзимиз фарзандларимиз, юртимизни маънавий тиклаш учун сарфласак, тараққиётимиз янада тезлашмасми? Президентимиз Фармонидан сўнг бу ҳақда яна ҳам теранроқ ўйламоғимиз зарур.

ҚУТЛИБЕКА



маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашди. Лекин «Шавла кетса ҳам обрў кетмасин» деган кайфиятдаги одамлар ҳам бор. Ўзи битта қўйлақ кам кийса ҳам, бир бурда камроқ нон еса ҳам катта дастурхон ёзади, фарзандига тахлам-тахлам сарпо қилади. Бундай пайтда ҳам маҳалла оқсоқоли тўй қилувчи билан гаплашиб, унинг кам-қўстини суриштирса, ўша маҳалладаги 3-4 пулдор одам билан келишиб, бошқа ҳеч кимга билдирмай озроқ пул тўплаб берса, кўнгилдагидек иш бўларди. Бунда тўй файли ўтади, хайрия қилганлар савобга қолишади. Бунинг учун маҳалла оқсоқоли зукко, муомалани билладиган бўлиши керак.

— Одамлар ҳам албатта ҳар турли бўлади. Айтмоқчиманки, баъзан тўй ёки маъракаларни ўз билганига ўтказадиганлар ҳам учраб туради...

— Шунинг унутмаслик керакики, ҳар қандай тўй-ҳашам маҳалла билан ўтади. Шундай экан, маҳалла фикрини албатта инобатга олиш керак. Бинобарин кишининг маҳаллага муносабати қандай бўлса, маҳалланинг ҳам унга-муносабати шундай бўлади. Қолаверса, мазкур Фармон тўй ва маъракаларни барчага маъқул келадиган даражада ўтишини кўзлайди. Бундан ташқари чарлар, йиғирма, қирқ, йил оши каби халқимиз урф-одатлари, кирмайдиган айрим йиғинлар кундалиқ турмушимиздан чиқариб ташлашни кераклигини аҳолига тушунтириш ишларига оқсоқоллар бош-қош бўлишлари керак.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

жуда адолатли Фармон қабул қилдилар.

Бу Фармон халқимизга шу кунларда жуда керак эди. Кўпчилик урф-одатларимиз деб атаётган бу турфа ишларни ўзи астойдил хоҳлаб, чин кўнгилдан эмас, бошқалардан қулгига қолмаслик, қизи ёки ўглини ўқитмаслик учунгина қилаётган эди.

Катта тўйлар ҳақида гапирмасдан битта бешик тўйи ҳақидагина мулоҳаза қилсак ҳам қанча ортиқча сарфу харажат, қанча ярашиқсиз ишлар қилаётганимиз кўриниб қолади.

Даставвал бешик болага бувиси (қизнинг онаси) тўрт фаслга мослаб — пайпоғидан қалпоғигача неча хил кийим қилади. Кечаси киядигани, уйлиги, кўчаллиги... Яна бунинг устига кичик, катта аравалар, бешик, манеж, каравотча, (баъзилар хориж беланчақлари), велосипедча (ўғил бола бўлса) ларни сотиб олиш ҳам буви гарданида. Бешик боланинг дадаси (кўёв) қизига бир неча хил сарпо, қайнота, қайнонасиға, буни-н устига гилам...

Карнай-сурнай ҳам ўзи олиб келади, тоғора-тоғора овқатлар... Ахир битта она учун, борингки, ўғил-қизлари «ҳа-ҳа»лашиб юборганда ҳам шунча нарсаси қаттиқ юк бўлиб тушмайми? Шу оврагарчиликлар ичида она шўрлик ўзига қарашга имкон тополмай, тангани тангага уриштириб ўтиб кетади-ку. Майли, гўдакка энг зарур нарсаларни қилиб бе-

да марказимизда бир неча йилдан бери иш юритаётган «Астма ва аллергия» мактаби фаолияти ҳақида ҳам фикрлар алмашилади. Ана шу мактаб фаолияти ҳақида, республикамиз бўйича унинг ўрнини кенгайтириш тўғрисида лозим бўлган тавсиялар берилади.

Конференциянинг яна бир энг асосий тадбирларидан бири «Ўзбекистон микёсида астма хасталиги миллий дастури» қабул қилинади. Шунингдек, аллергиялог ва астматологлар жамиятини ташкил этиш ҳам кўзда тутилмоқда...

Ҳа, Ўзбекистон аллергиялоглар конференциясида ўртага ташланадиган фикрлар, мулоҳазалар, мушоҳадалар талайгина. Уларни жамлаб бир фикрга келиш конференция олдидан турган долзарб масалалардан биридир.


Суҳбатдош

Қутбиддин НИЗОМОВ.

СУРАТЛАРДА: профессор

Озод Назаров; республика илмий-ихтисослашган аллергиялогия маркази фаолиятидан лавҳа — шифокор Гулҳеҳра Сотволдиева ва шифокор лаборант Гулзода Тўхтажўзева махсус аппаратда беморга даво бериш ҳусусида ўзаро фикр алмашишмоқда.

Рустам Шарипов олган суратлар.



ЭРТАГА

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасида аллергия хасталиклар бўйича илк бор илмий-амалий анжуман ўтказилади. Ўтказилаётган бу анжуман республика аҳолисиға ихтисослашган аллергиялоглар ёрдам кўрсатишда муҳим ўрин тутаяди. «Аллергия ва Астма» мавзусида ўтказилаётган аллергиялоглар илмий-амалий анжумани арафасида биз Ўзбекистон Республикаси Бош аллергиялоги, Республика илмий-ихтисослашган аллергиялогия Маркази директори, Европа Аллергологлар академиясининг аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор О.А. НАЗАРОВ билан суҳбатда бўлдик.

— Озод Аҳмедович, аввало ушбу анжумани ўтказишдан мақсад нима?

— Ушбу анжумани ўтказишдан мақсад сир эмас нафақат бизнинг республикамиз, балки бутун жаҳон микёсида аллергия хасталиклар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Сўнгги статистик маълумотларга қараганда 1990-95 йиллар мобайнида аллергия хасталиклар билан касалланган республикамизда 18-19 фоизни ташкил этди. Қўриб турибсизки, республикамиз бўйича ҳар 4-5 кишининг биттасида аллергияга мойиллик бор экан. Демак, бунинг олдини олиш, юзага келган хасталикларни даволаш, даволагандан ҳам жаҳон микёси талабларига жавоб берувчи усуллар асосида даволашмиз даркор. Шу боисдан ҳам кардош биродарларимиз билан жамон микёсидаги янгиликларни республикамизга олиб кириш, ҳозирги кунда иш олиб бораётган нафақат аллергиялог-шифокорларни, балки барча шифокорларимизни, айниқса терапевт-шифокорларимизни мана шу янгиликлардан воқиф қилиш мақсадида ушбу конференцияни ўтказишга қарор

Воқеа арафасида

ЎЗБЕКИСТОН АЛЛЕРГОЛОГЛАРИ АНЖУМАНИ



қилдик.

— Конференцияда кимларнинг иштироки эътиҳи кўзда тутилмоқда?

— Ушбу конференцияда Германиядан доктор А. Нагл, Россия Федерациясидан академик А.Г. Чулидин, Қирғизистон Республикасидан профессор Н. Н. Бримкулов, Туркменистон Республикасидан профессор А. Б. Жунелова, шунингдек, республикамиздан йирик кўзга кўринган олимлар, профессорлар — А. М. Убайдуллаев, М. М. Ҳақбердиев ва бошқа жаҳонга танилган ўнлаб йирик олимлар иштирок этидилар.

— Аллергия хасталикларининг қайси бири бўйича кўпроқ мунозаралар ўтказиш кўзда тутилган?

— Жуда ўринли савол бердингиз. Аллергия хасталикларининг барчаси тўғрисида икки кун мобайнида тўлиқ мунозаралар юришти қийин, албатта. Чунки аллергия хасталик деб умумий тарзда гапирганимиз билан унинг зами-нида бир қатор хасталиклар ётади. Буларнинг барчасини таҳлил қилиб чиқиш анча мушкул вазифа. Шу боисдан биз ушбу конференцияда кўпроқ аллергия хасталиклар ичида энг кенг тарқалган турларидан бири бўлган бронхитал

астма хасталиги ҳусусида кўпроқ фикр алмашамиз. Ушбу хасталикнинг ҳозирги замон талабига жавоб берувчи даволаш усуллари, диагностикаси ҳусусида мунозара юритамиз. Астмага қарши энг янги дорилар, уларнинг қўлланиши, таъсир доираси, ижобий ва салбий томонлари батафсил таҳлил қилиб, кўриб чиқилади.

Шунингдек, конференция иши-

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

Хожиакбар ШАЙХОВ



(Мистик-фантастик романдан парчалар)

(Охири. Боши газетанинг ўтган сониди).

— Жуда соз! — хитоб қилди Болтабой тиржайиб. — Гарчанд бундай вазифа гарданимизга юкланмаган бўлса-да, керак экан, кизталокни ҳам ўғирлаймиз-да! Баҳонада ўроқни ўша мегажинга уйлантириб қўя қоламиз!..

— Кенжамиз тоза хурсанд бўларкан-да!.. — деди Тешавой озгини танобини қочириб. Унинг танаси негадир илонга ўхшаб буралиб-эшилиб турарди.

Шу чоғ телефон чўзиқ жиринглади. Болтабой худди пилдираб югуриб қолишга шай мушукдек гўжанақ бўлиб, «ялт» этиб телефонга қаради. Негадир унинг кўзлари ёнади. Тешавой ҳам буралиб-эшилишдан тўхтади.

— Асад сим қоқаяпти, — деди Гулшода бону телефонга хушёр тортгандай тикилиб. Унинг вужудига ҳозир икки руҳ жойлашиб олган, уларнинг ҳар иккови бахисили бир-бирларининг билимлари ва сирасорларидан бохабар, аммо ўзаро келишиб иш юритишдек ноёб хислатдан буткул маҳрум эди. Биринчиси: дастакни олма, ўғриллар билан тил бириктиргангизни Асад билса, сендан буткул кўнгли қолади, шарманда бўласан, деса, иккинчиси: дастакни ол-да, Асадни алдаб-авра — тунов кунни ўтказган муроқаба амалларида гувоҳи бўлишган мафия бошлиғи ва Саидбекнинг дарёга чўккан билан боғлиқ воқеалардан қўриб кетаётгани, Назирани бир-икки кеча ҳамроҳ бўлиб ўзиникида тунаб қолишига ижозат беришини илтимос қил, дегётгандай эди. Бу икки руҳ ўртасидаги «бахс» тугагунча телефон овози ҳам ўчди.

Гулшода бону кўллари белига тираганча, ака-укаларга амирона қиёфада тикилди.

— Мошининг пастда бўлса, жўнадикими? Болтабой мушукдек ялтқоклиб, унинг атрофиди гирдиқалак бўлиб қолди. Қирқ беш ёшлар атрофиди ҳушқомат бу аёлнинг унга ёқиб қолгани кўриниб турарди.

— Опажон, жўнаш қочмайди, — деди уни ҳамон яланғоч ҳолда тасаввур қилишга уринаркан, кўзлари сузилиб. — Аввал сал тамадди қилиб олсак бўлармикан. Ҳалиги... юзта-юзта... дегандай, а? Ичинг қизмагунча ишнинг қизмайди, деган экан бир до-нишманд.

У аёлнинг нокдай-нокдай бўртиб турган кўкракларига суқ билан тикилди.

— Хо, ичларинг қизмай ўлсин! — деди Гулшода бону энаси қотиб, вужудиди биринчи руҳ тасирида, аммо шу заҳоти иккинчи руҳнинг «қўли» баланд келиб, дарров уни ўзига оғдирди. — Лекин уйда ароқ бўлиши керак. Раҳматли Пардабой ака бир вақтлар уйимни ичкиликка бостириб ташлаганди. Шунинг қолган-қутганларидан ҳозир топамиз!..

Улар бирин-кетин ошхонага ўтишди. Бону идиш-товоқ турадиган жавоннинг ичкарасидан ялт-юлт қилаётган ёрлиғига шайтон суварти битилган катта шишани олди-да, Болтабойнинг кўлига тутқазди.

— Мана, ичларинг қуйдирилганинға, совуттигда газак ҳам бўлиши керак.

Бу ёғига Болтабойнинг ўзи хўжайинчилик қила бошлади. Совуттигининг эшигини очиб, ундан тузланган бодиринг, яхна гўшт олиб, ошхона деворига тиралган ихчамгина хонтахта устига қўйди. Тўлин ой шаклидаги шаффоф олим идишда тўғралган нон ҳам бор эди.

— Нондан ол, опа ўзимизники чиқиб қолди, — деди у хушчақчақ кайфиятда ортларидан изма-из кириб келган Тешавойга, унга пиёлага кетма-кет тўлдириб арокдан қуяркан. — Қани, опажон, келинг энди, озгинадан олайлик, бу ўткинчи дунёда фақат мана шу маишат, ҳузур-ҳаловат курганинг қоларкан.

Айни вақтда ҳаёлининг бир чеккасида: зимманга хавфли вазифа юкланган, аввал ишни битказиб, кейин истаганинға маишат қилавер, деган фикр айланар, бошқа бир овоз эса: ҳаммасига тулур, бу қалтис ишининг бари бир сен учун нафи йўқ, уни уddaлай олиш-олмаслигиндан қатъи назар манави оқбилак дўмбўқча билан кайфу сафоингни суриб қол, дея йўлдан урар эди.


Гулшода бону бойвачча узатган пиёлани сал иккилашиб кўлига олди-да, уни худди бозор кўрган эски улфатлардек йигитларнинг пиёлаларига чўқиштираркан, тамани билан нутқ ирод этди:

— Азизларим, жуда мард, жангари йигитлар экансиз, тентак эканман, сизлардан бекор қўриб юрган эканман, таниганимдан бағоят хурсандман. Ҳамма яхши ниятларимиз ихобат бўлсин, сеҳрли тошни қўлга киритсак, ишларимиз жуда зўр бўлиб кетади. Анчадан бери кўнглимга тугиб юрган бу иш бари бир ёлғиз ўзимнинг қўлимдан келмас эди, сизларни менга... Шайтоннинг ўзи етказди (Шайтон сўзини у ўз иродасига қарама-қарши ўлароқ, беихтиёр тилга олди). Лекин бу нарсаси орамизда сир бўлиб қолиши керак, тушунарлими, укажонлар? Илоё режамизини унинг ўзи қўлласин! Қани, олинглар!

Улар пиёлаларни бир сипқоридида бўшатишди. Иккинчи қадаҳдан сўнг Гулшода бонунинг кўзлари сузилиб, рақс тушгиси келиб қолди. Бунинг дарров пайқабган Болтабой радионинг қулғини буради. Шу заҳоти ўзбекча вальс янгради. Бойвачча чапдастик ила бир қўли билан бонунинг белидан, иккинчиси-ла елкасидан қучиб, рақс туша бошлади. Хонада аёлни қуй оҳангига мос ҳаракатлар билан оҳиста айлантираркан, ширакайф нигоҳини аёлнинг сузук кўзларидан узмасди. Сал ўтмай, музика суръати жаддаллашиб, улар янада тезроқ айлана бошлади. Тагин бир лаҳзадан сўнг қуй тобора авжига миниб, эркак ва аёл чирпирак бўлиб айланишар, ёғуғ дунёда, бутун Коинотда икковидан бўлак ҳеч кимса йўқдай ҳамма нарсани унуттирган, шу тоғда дунёни сув босса, тўпикларига ҳам чикмаслиги кундай аён эди.

Улар айлана-айлана ётоқхона сари йўналишди, охири кўрпа-тўшаги саранжом йиғиштирилиб, устига сирен гулли ёпқич ёпилган чорпоғча устма-уст ағдарилишди...

(Давоми 4-бетда).



(Давоми. Боши 3-бетда).

МИСИ ЧИҚҚАН ФИТНА

Жар ёқасидан дарёга ўзини отган Раҳматилла танаҳида яхдай сув совуғини туюб, шиддат билан бир неча газ пастга шўнғиди, ниҳоят, тезлиги бирдан камайиб, муаллақ қолди-да, қурбақадай оёқ-қўллари ликиллашиб, юқорига суза бошларкан, сув остиди кўзларини катта-катта очганча атрофни кузатди. Дарё суви анча лойқа, тўрт-беш қулоқ наридаёқ ҳеч нимани кўриб бўлмади. Сув сатҳига сузиб чиққан собиқ жангчи тилпирчиланча тўрт томонига ала-нглади. Ҳеч нимани илғамаган, бир кўтарилиб, яна пастга шўнғиди. Дарё сиртдан шовқинсиз, вазмин жилаётгандай кўрингани билан тагида сув шиддат билан оқар, оқим йигитни ўртадаги ваҳимали уюрма сари суриб ташлашга уринарди. Бир неча дақиқада сўнг у яна сув сатҳига сузиб чиқди. Қуйроқдан шалоплаган овозни илғаб, қулоқлашиб ўша томонга суза кетди. Чинданам, йигирма газча нарида, уюрмага етар-етмас қорамтир алланима сув юзидида гоҳ кўриниб, гоҳ кўздан ғойиб бўлатганди. «Бу — ўша, Саидбек!» — дея ҳаёлидан ўтказган Раҳматилла бор кучи билан ўша ёққа интилди. Чинданам, қорамтир нараса — қора куртка кийган қочоқ йигитча бўлиб чиқди. У, чамаси, ҳушидан айрилган, ғайрих-тиёр равишда гоҳ юқорига қалқиб, гоҳ сув тагига чўкиб, ҳаракатсиз ҳолда кўйига оқиб борарди. Раҳматилла жон ҳолатда унинг жингалак сочларидан чангалади. Ҳаётий тажрибасидан яхши билардики, шундай қилинса, чўккан одамнинг ҳуши жойига келарди. Нохос пастдан чиқиб келган йирик оқим уларни дарё ўртасига — уюрма томонга суриб кетди. Саидбекнинг сочлари кўлидан чиқиб кетаёзди. Шар-тта уни қўйиб юбориб, йигитчанинг кўларига ёпишди. Бор кучи билан тортиганча қирғоққа қараб сузар-ди-ю, лекин оқим уларни тўхтовсиз ўз ғирдобига тортарди.

Бу пайтда айланма сўқмоқ йўл билан ошиғич соҳилга тушиб келган Асад билан Саидмансур ака улардан кўз узмай, саросима ичида уёқдан-бу ёққа югу-ра бошлашди.

Яна бир неча фурсатдан сўнг улар Раҳматиллага Асад аллақердан толиб келган узун ёғочни узатишди. Ёғочга чиппа ёпишган собиқ жангчи ортида Саидбекни судраганча, қирғоққа интилди.

Уларни бирин-кетин соҳилга тортиб чиқаришар-кан, Саидмансур ака эҳсонаси қилиб, қимирламай ётган ўғлининг танасини пайпаслаб кўришга кириш-ди. Унинг ҳеч қаери яраланмагани, ўзининг эса юраги уриб турганини пайқаганча сал хотирам тортди. Раҳматилла тура солиб, ҳушсиз йигитчага илк ти-ббий ёрдам кўрсатишга киришди: аввал оёқларини осмондан қилиб, ичига қилиб қолган сувни оғзидан қайтармоқчи бўлди. Саидбек қаттиқ йўталиб, уч-тўрт бор дарё сувини қайт этган, аста кўзларини оч-ди. Собиқ жангчи билан Асад галма-гал унинг юра-гини рисоладагидек усулда уқалашган, у буткул ўзига келди. Аста ўрнидан туриб, сал наридаги сулуси-мон думалоқ тош устига бориб ўтирди-да, кулимси-раб, бошидан ўтганларини гапирди берди.

Ўша кун йигитчага бир киз сим қоқиб, учрашув-га таклиф қилибди. Ҳаётида биринчи бор киз бола-дан бунақа таклиф олган Саидбек ҳовлиқиб қолиб-ди, ҳеч кимга индамай, фақат онасигагина тусмол-лаб, бир нималар деб, келишган жойларига бир соат аввал бориб олибди.

Ҳадрадаги цирк ёнида айланиб, ҳали у кизга қар-армиш, ҳали бу кизга... Ҳатто гул кўтариб, қийғоч кўзларига сурма сурган, лабларини лоладек қип-қизил рангга бўяб олган бир кизга сўз ҳам қотибди:

— Синглим, сиз Насибхон эмасмисиз?

Киз хири йигитлардан деб ўйлабми, унга кўзла-рини лўқ қилиб тикиларкан:

— Ҳа, нимаиди? — деб сўрабди.

— Мени сиз учрашувга чақирувдингиз-а?

Бу гапни эшитган кизнинг энсидони қотиб, заҳар-ханда билан:

— Вой, савил-ей! — дебди. — Подумаешь учра-шувга таклиф қилгани сендан бўлак одам қуриб қо-либди-да менга. Турқинга бир қара, тентак, от кўр-саям ҳуркиб кетади.

— Оғзига қараб гапиринг, синглим, турқимга ни-ма кипти? — дебди Саидбекнинг ҳам аччиги кўзиб.

— Мен сизни одам деб гапирсам...

Гул кўтарган киз энди жазавага тушиб ўшқириб-ди:

— Учир овозингни, шилқим! Сендақаларнинг кў-пини кўрганмиз. Чўнтагида ҳемириям йўғ-у, ҳамма-га гап отишга ўлайми! Кўриб турибман, йўл-йўла-кай нечасига қитмирлик қилиб ўтдинг. Лекин мен-га нумиринг ўтмайди, билиб қўй!.. Мен порядоний кизларданман!..

Баттар жаҳли чиққан Саидбек дарров унинг гапи-ни бўлибди:

— Нималар деяписиз, синглим?! Ҳаддингиздан ош-манг, мен кимга қитмирлик қилибман?..

Баттар жазавага тушган киз яна бақир-чақир қила кетибди:

— Хой, ҳезалак! Мунча шилқимлик қиласан? Агар ҳозирок бу ердан думингни тугмасанг, энангни Уч-кўргондан кўрсатаман! Поня! Кани, би-ир тўғинг-ни шикиллатиб қол-чи!..

Кизнинг бу аҳмоқона гапларидан қизишиб кетган Саидбек ҳам бўш келмай:

— Хой киз, менга қара! — деб хитоб қилибди. — Осмондан тушган фаришта бўлсангм сал ўпангни босиб ол! Менам сендақа шаллақиларнинг кўпини кўрганман...

— Вой-вой-вой! Подумаешь, ҳали шаллаки бўлиб қолдикми?! — дея қичқирди киз ота гоздай чира-ниб. — Шаллаки қанақа бўлишини ҳозир сенга кўр-сатиб қўяман, галварс!..

Шундай деб, у қўлидаги гулдаста билан йигитни савалай кетибди...

Маълумки, Президентимизнинг «Санитария қонунларини бузган-лик учун жавобгарликни кучайти-риш тўғрисида»ги Фармонлари эъ-лон қилинган ўзини билган ҳар бир раҳбар, қолаверса ҳар бир фуқа-ро ўзида қандайдир жавобгарлик ҳиссини сезди. Бу ишларга мута-садди раҳбарлар ўзлари тасарру-фидаги ҳудудларнинг озодалиги-га алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тошкент шаҳрида чиқинди та-шийдиган замонавий машиналар пай-до бўлди. Кўпгина ҳудудларда махсус чиқиндиларни тўплайдиган майдонча-лар қурилди ва қурилмоқда. Бу бора-да А.Икромов туманида ҳам ибратли ишлар амалга оширила бошланди, ўзига хос контейнерлар билан жиҳоз-лаб, ювиб-тозалаб туриш шароити яратилди. Фақатгина А.Икромов тум-анида 10 та шундай жой ишга тушган бўлса, шу ой ичида 20 таси қурилиб битказилиши, йил якуни бўйича 36 та шундай майдонча ишга тушиши кўзда тутилган. Шундан 10 таси ҳокимлик томонидан давлат бюджети ҳисобига, қолганлари турли вазирлик, ташкилот ва муассасалар ҳисобига қурилиши режалаштирилган.

Тўғри, шаҳар миқёсида, барча ту-манларда бу ишга кенг қанот бағиш-лаш керак. Юнусобод тумани ҳоким-лигининг жонбозлиги боис бугунги кунда 20 та шундай майдонча қури-либ фаолият кўрсатмоқда. Лекин Як-касарой, Миробод, Чилонзор, Ҳамза

туманларида бу иш талаб даражасида, жадал суръатларда олиб бориляпти, деб бўлмади. Бу ишларни ҳамма ту-манларда кенг авж олдириш керак, чун-ки у ҳаёт тақозоси-дир.

Шаҳар озодалиги ҳусусида ҳаммамиз қайғуришимиз ке-рак. Бу ишда кам-чиликларга йўл қўяётган жавобгар шахсларга маъму-рий жазо чоралари кўрилмоқда. Бирон-та туманда шу со-ҳага мутасадди бўл-ган ягона санитария тозалаш дирекция-си, махсустрасн ёки ободонлаштириш бўлими раҳбарлари қолмадики уларга Давлат санитария назорати томонидан маъмурий чора — жарима солинмаган бўлсин. Айрим ту-манларда ҳатто шу соҳага жавобгар хо-ким ўринбосарларига ҳам жарималар солинди. Шундай экан яна нималарга эътиборни қаратиш керак?

Биринчидан, чиқиндилар қаерга олиб бориляпти. Олмалиқ томонга ёки Ҳа-санбойга. Транспорт қатнови, ёнилғи

Покизалик

БУНИ БИЗГА
КИМ ҚИЛИБ
БЕРАДИ?

Иккинчидан, юқоридагилар ҳал этил-сада, сизу биз шаҳримиз кўрки, обо-донлиги, унинг озода бўлиши ва айниқ-са ўзимизнинг соғлиғимиз муҳофаза-си учун бевосита жон куйдирмасак, за-рур ҳолларда маҳаллаларимизда ҳашар уюштириб турмасак мавжуд муаммо тў-лиқ ечимини топмайди. Ҳозирги кунда ҳар бир жон боши учун хонадондаги

қа совғалар қаторида Рос-сия подшоғига совға қилин-ган.

Олмос табиатда энг қат-тик материал бўлиб, унинг мустаҳкамлиги 10 балл ҳи-سوبланади. Унга ишлов бе-риш жуда ҳам қийиндир. Жаҳонда кўп йиллардан бе-ри қимматбаҳо тошларни ўрганиб, тадқиқот қилиб, «Қимматбаҳо тошлар» ном-ли машҳур китобни ёзган олим Гордон Смит «Шоҳ» олмоси ҳақида шундай дей-ди: «Шоҳ» олмосига ишлов бе-риб, ажойиб нафис ёзув-лар ёзган, кўринишини шун-дай нодир ҳолга келтирган қадимги заргарларга қойил қоламан. Инсоннинг ақл-за-коватига сиймайдиган нозик ишлар бажарилган. Табиат-даги энг қаттиқ материалга ибтидоий, қадимги, оддий, жўн усул билан ишлов бе-риш ва бошқа ёзув-чилов ишларини аёло даражада бажарган, ақлга сиймайдиган сабр, бардош билан ишлаган заргарлар олдида бошимни эгаман».

Илҳом
ШЕРМУХАМЕДОВ.

Олмослар жаҳонда кўпинча турли ривоят, афсоналарни келти-риб чиқарган. Энг кўп афсоналар нодир ол-мослар ҳақидадир.

Шуни қизиқки, энг нодир олмослар доимо ўз со-ҳибларига бахтсизлик келти-рган. Бу гапларнинг ҳақи-қат эканлигини жаҳонда энг машҳур, табиатда жуда ҳам кам учрайдиган нодир ранг-ли зангори-қўкиш ёқут — «Хоуп» олмоси исботлайди. Яъни бу нодир олмоснинг оғирлиги 44,4 карат (карат — 0,2 граммга тенг) бўлиб, ўзининг барча эгаларига фақат бахтсизлик келтирган.

«Шоҳ» олмосини олайлик. У дунёда энг ноб, жуда ҳам кам учрайдиган қимматбаҳо олмос ҳисобланади. Унинг оғирлиги 88,7 карат бўлиб, узунлиги 4 сантиметр дур. Унинг саккиз қирралик то-монлари қадимда яратилган кўринишида сақланган. Бу ўта ноб тош бошқа шу ка-би олмослардан фарқ қила-ди. Қайтарилмаслиги, жуда

тиниқлиги, шаффофликка эга бўлганлиги билан ҳар қандай одамни лолу ҳайрон қолди-ради. Бундай кўринишдаги олмосларни табиат жуда ҳам кам яратади. Жаҳондаги бар-ча асосий ноб, нодир ол-мослар кўпинча Ҳиндистонда қазиб чиқарилган. Энг сирли масалалардан бири, бу —

вими бўйича 1641 йил) ва учинчисида жуда ҳам нодир, нафислиқнинг энг нозик, юқо-ри чўққилари тизимида ёзил-ган: «Эгаси Қожар-Фатҳ али шоҳ султон 1242 йил» (хри-стиан календари бўйича 1824 йил) жумлаларини ўқиймиз. Бундан ташқари «Шоҳ» олмо-сининг диққатга сазовор, ин-

Биласизми?

ЖАҲОННИ ПОЛ
ҚОЛДИРГАН ОЛМОС

«Шоҳ» олмосига ўйилган ёзувлар ҳисобланади. Бу ёзувлар турли даврларга мансуб бўлиб, жуда осон ўқи-лади. Барча ёзувлар араб алифбосида бўлиб, форс ти-лида ёзилган. Бу ёзувларнинг биринчиси — энг қадим-ийси ҳамда дағалроқ ёзил-ганда «Бурхон Низом шоҳ Россиянинг олмос фондида сақланади. 1829 йил 30 ян-варда Россиянинг Эрондаги элчиси Грибоедов фожиали ўлдирилгандан кейин, бош-

сонни лол қолдирадиган то-мони — унинг қоқ ўртасидаги чуқурлиги 0,5 миллиметрга тенг ромб айланасидаги ин-гичка чизикдир. Бу чизик шундай аёло даражада бажарилганки, ҳозирги лазер мос-ламаси ёрдамида ҳам шун-дай чизикни чизиш мушкул-дир. Бу «Шоҳ» олмоси ҳозир Россиянинг олмос фондида сақланади. 1829 йил 30 ян-варда Россиянинг Эрондаги элчиси Грибоедов фожиали ўлдирилгандан кейин, бош-

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРAT ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Очиқ турдаги «ПАЗИЗОД» акциядорлик жамияти очик турдаги «Паризод» акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш тўғрисидаги тадбирлар режасига мувофиқ 27 ноябрь куни кундуз соат 2 да масъулияти чекланган жамиятда «Паризод» масъулияти чекланган жамият таъсисчиларининг йиғилиши ўтказилишини маълум қилади. Барча таъсисчиларнинг қатнашиши мажбурийдир. Қайта ташкил этиш бўйича комиссия.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусу-сий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, та-валлуд қилари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қут-ловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

харжлари, вақт муаммолари. Энг аввало чиқинди-ларни қайта ишлаш йўлга қўйилса нур устига аёло нур бў-ларди. Қолаверса шаҳарнинг уч-тўрт чиқиндиларни тўп-лайдиган махсус майдон қурилиб, яхшилаб шиба-ланса ва жойланган да махсус катта транспорт восита-ларида олиб кетил-са қандай яхши. Бинобарин ҳозирги мавжуд транспорт воситалари билан шаҳар ичидаги бу муаммоларни ҳал этиш мумкин деб ҳисоблайман.

Зеро шу кунларда шаҳримизда да-вом этаётган ободонлаштириш ва кў-каламзорлаштириш бўйича кузги икки ойлик пайтида шаҳримиз ҳудудини орасталашга ҳисса қўиш ҳар бир тош-кентликнинг муқаддас бурчидир.

Абдуҳаким САРИМСОҚОВ,
Акмал Икромов туман Давлат бош санитария врач.



Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «ЎЗБЕКТЕАТР» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси

Ўзбекистон Ёшлари Театри 1998 йил 14—28 ноябрь

ХАЛҚАРО ЁШЛАР ТЕАТРЛАРИНИНГ ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Ёшлари Театри биносида			
14 ноябрь	16.00 да	ТОМДАГИ СКРИПКАЧИ	Шолом-Алейхем
15 ноябрь	11.00 да	ГУГУРТ СОТГАН ҚИЗ	Г. Х. Андерсен
		КИССАСИ	Ш. Дилени
17 ноябрь	16.00 да	БОЛ ТАБИИ	Т. Сулфиров
	18.00 да	УМАР ХАЙЕМНИНГ	
		ЮДУЗЛАРИ	
18 ноябрь	18.00 да	НАЗРИЯ (Исроил)	Н. Птушкина
19 ноябрь	18.00 да	ЧАВКАР ТАРИХИ	Л. Толстой
20 ноябрь	11.00 да	ХАВОТИР ҚАЛБ (Исроил)	эртаклар бўйича композиция
	13.00 да	ХАВОТИР ҚАЛБ (Исроил)	эртаклар бўйича композиция
21 ноябрь	11.00 да	ХАВОТИР ҚАЛБ (Исроил)	эртаклар бўйича композиция
	16.00 да	СТРИНДБЕРГНИ ЎЙНАЙМИЗ (Исроил)	Ф. Дюрренматт
22 ноябрь	11.00 да	УЧ ЧЎҚҚАЧА	инглиз эртаги асосида
	16.00 да	НАЗРИЯ (Исроил)	Н. Птушкина
24 ноябрь	11.00 да	ХАВОТИР ҚАЛБ (Исроил)	эртаклар бўйича композиция
	16.00 да	НАЗРИЯ (Исроил)	Н. Птушкина
25 ноябрь	11.00 да	ХАВОТИР ҚАЛБ	эртаклар бўйича композиция
	18.00 да	СТРИНДБЕРГНИ ЎЙНАЙМИЗ (Исроил)	Ф. Дюрренматт
26 ноябрь	18.00 да	ҚОРА ҚУТИ (Исроил)	Л. Ашкеннази
27 ноябрь	18.00 да	ЧАВКАР ТАРИХИ	Л. Толстой
28 ноябрь	11.00 да	ГУГУРТ СОТГАН ҚИЗ	Г. Х. Андерсен
	16.00 да	КИССАСИ	Шолом-Алейхем
		ТОМДАГИ СКРИПКАЧИ	С. Михозис хотира-сига бағишланади
«Илҳом» театри биносида			
20 ноябрь	18.00 да	СТРИНДБЕРГНИ ЎЙНАЙМИЗ (Исроил)	Ф. Дюрренматт
Й. Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театри биносида			
16 ноябрь	16.00 да	АЛВИДО, БОЛАЛИК	Т. Малик
		А. Бакиров номидаги Андижон Давлат Ёшлар театри спектакли	
21 ноябрь	16.00 да	ОСМОНГА СИЙМАГАН МУҲАББАТ	Ю. Сулаймон
		Фаргона вилояти рус драма театри спектакли	
23 ноябрь	14.00 да	УЧАР ТАБИИ	Ж. Б. Мольер
24 ноябрь	11.00 да	ЕВВОЙИ МУШУҚ	Р. Киплинг
25 ноябрь	11.00 да	ҲАҚ ЖОЛ	В. Зимин
		С. Ҳужаниязов номидаги Қорақалпоқ Давлат Ёш томошабинлар театри спектакли	
Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театри биносида			
24 ноябрь	17.30 да	БУХОРОИ-ШАРИФ С. Аиний	
		Фестиваль бадий раҳбари	
		Республикада хизмат кўрсатган артист НАБИ АБДУРАҲМОНОВ	
		Фестиваль хомийлари:	
		PHILIP MORRISнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси	
		«ЎЗЛЕКТРАППАРАТ» очик турдаги акционерлик жамияти	
		PANSISTEM ахборот қўлаб-қувватлаши	
		Мурожаат учун телефонлар:	
		144-10-89 (Ёшлар театри)	
		41-22-41 («Илҳом» театри)	
		40-50-54 (Й. Охунбобоев номида Ёш томошабинлар театри)	
		144-11-70 (Ҳидоятлов номида театр)	

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Душанба, чоршанба ва ҳуна кунлари чиқади. Нашр сўраётгани 209

Нашрни етказиб бериш масаладари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тош-кент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.